



(Рости (Уч халка рамзи хакида якдил фикр йўк. Маълум бўлишича, у кадим байрокларимизда ҳам бор экан. Уч китъа хукмдори, деган маънони ҳам англатиши мумкин.) русти(Куч адолатдадир ёки хакикат билангина мақсадга эришиш мумкин.)) Самаркандда.
Самарканд киблаи олам вал-адаб!

Эски шаҳарларнинг эскиси, энг гўзал шаҳарларнинг гўзали, машҳур шаҳарларнинг машҳури, илм ўчоги... Жа-хонгирнинг буюк пойтахти, улуғ шаҳарларнинг улуғи, Самарканд, салом!

Паравоз пишкириб, вагонлар тўхтади. Тушдим, Самарканд эди! Икки кун шаҳар айландим. Энг инжа, энг латиф маҳорат ила бино этилмиш эски замон иморатларини, мадрасаи жомеъ ва кабристонларини, чинни деворларга кулоч-кулоч ранг-баранг чиний накш этилган кўфий оятларни сайр ва мутолаа ва Шохизинда саройи ила Афросиёб ёдгорини тамошо этганимдан сўнг шох Темур кабрига келдим. Окшомга яқин эди... Самаркандда ҳар на кўрдим, чўк гўзал, ҳар на кўрдим, чўк хароб. Масалан, Бибиҳоним мадрасаси аклларга хайрат беражак бир бинойи латифдир. Бунинг ила ба-робар ажнабийларни йиглатажак кадар бир харобатдир!
Турбаи шох Темур... на таъсирли бир кошонадур! Садди Чиндан Ўрта Ер денгизига

кадар, музлик Сибириядан кайнок Хиндистонга кадар чўзилган худудда истикомат этгувчи турк авлодини ўз дасти жахонгиронасига олган ва энг буюк бир турк давлати вужудга келтирган Темурнинг сўнгги манзили мана шу кошонадур... Хийла хароб, баъзи ерлари емирилган, баъзи тошлари тушган, ёзувлари ўчган, эшиклари очик-сочик унитилаёзмиш бир турбаи олиядур.

Фотиха олиб, ичкарига кирдим. Пастки каватга тушдим... Рахбари рухонийси Саййид Барака хазратлари ила ёнма-ён ётур. Тошларини зиёрат ва тамошо этарканман, тарихи Темурнинг ва замонасининг воқеалари силсилаи Туроний ўларок бошимдан кечмакка бошлади.

На буюк ишлар, на буюк киши, на ажойиб бир замон ва на хароб бир макон! Дунё шундай эмиш.

Ичимдаги нурли туйгу билан фикрим-бошим айланиб турган вақда бирдан кўрдимки, Саййид Бараканинг сандик тоши кўтарила бошлади. Кўркиб коровул хужраси томон ўзимни олдим. Ва бир гўшага ўзимни олдим. Тош кўтарилмакда, кордай оппоқ соқолли бир чол чиқиб келмоқца. Ва қабр ичи нурга гарк эди. Ё Раб, бу на хол! Шиддат забтидан ичимда кўркув асари қолмади. Дастлаб қоронгирок эди. Кўриниб турган зиё менгача келмас эди. Чиқиб кетиш ёки қолиш ҳақида бирор фикр миямга келмас, турган жойимда музлаганча қотиб турар эдим.

Саййид Барака хазратлари шох Темурнинг сандик тошига кўлини қўйиб «Ўғлим!» дейиши билан бу тош ҳам кўтарилиб, қабрга шуъла ёйилди. Шох Темур ҳам чиқиб, хар бирлари ўз тошлари устида ўтирдилар. Темурбек пири юзига бокди. Хожа ҳам, «Ўғлим, яна замон келди», дея жавоб берди.

Бирор дақиқа сукут чўқди. Макбара ичи чирок ёққандек ёруғ эди. Мен турган ердан макбара ичи мутлақо кўринмас эди. Каердан ва қандай чиққанини кўрмай қолдим: гоят улкан бир зот намоён бўлди. Ва сандик тошини айланиб, Темурнинг қаршисига келди. Саййид Барака: — Султон Абдулазизхон(1861 — 1876 йилларда Ўсмонли давлати ҳукмдори.)

Темурбек боши ила қабул қилди ва ўрин кўрсатди.

Шу пайт яна бир киши пайдо бўлди.

Хожа: — Насриддиншоҳ(1848 йилда Эрон тахтига чиққан эди.) — деди. Қабул этилиб, ўрин кўрсатилди. Яна бири кўринди.

Хожа: — Амир Насруллоҳон(1826 — 1860 йилларда Бухоро ҳукмдори.) — деди.

Шу тариқа Исмоил пошо(Ўсмонли султони Абдулазизхон давридаги Миср волийси.), оталик Гози Яъқубхон(Рус империясига қарши қурашда мардлик кўрсатган, босқиндан сўнг Қошғарга кетиб, мустақил давлат ўрнатган машхур Ёқуббек кўзда тутилмоқда.), ҳўқандли Худойрхон макбарага қириб келдилар ва мақом ҳамда ўринларини олдилар. Уларнинг орқасидан уламосифат уч зот қириб жойлашган ҳам эдиларки, бошига қалпоқ қийган, сарик бир черқас келди. Хожа Барака: — Шайх Шомил(Шайх Шомил - (1797 — 1871) Доғистон халқлари озодлик қураши йўлбошчиси.), деди... Темур жойидан кўзгалди. Мажлис ҳаракатга қелиб, шайхга ўрин кўрсатилди.

Шох Темурнинг боши қуйи, султонлар маъюс бир ҳолда, баъзиларининг кўзларида ёш кўринади. Йигилиш тинч, сукутда кечар эди. Мажлиси салотин, яъни подшоҳлар мажлиси бир-икки дақиқа тинч ва сукутда ўтгач, йигилишга мадфун (Мархум.) уламодан Шайх Жамолiddин хазратлари чиқиб, кўлидаги қора байроқли яшил ёзувли қитобни очди...

Саййид Барака хазратлари: — Хутбайи сипоҳий! - деди. Шайх қироат(Ўқимок.) бошлади:

«XIX аср милодиясиндаки, XIV аср хижрияга масодифдир, олами маданияда ва олами сиёсияда инкилоб ва тағйир(Ўзгариш.) воқеъ ўлди. Парахўд, тилги роф, темирийўл ва иш учун жуда кўп турли-туман мошиналар яратилди. Китобчилик, ўқимок ва маориф дунёда кўрилмаган даражада шуҳрат топди. Идораи мулк ва давлат низомлари тамом янги бўлиб, ҳукмдорларнинг идораи кайфиясига сад(Тўсик, девор.) чекилуб, миллатнинг райъи ва муродига кўра иш кўрила бошланди. Хунарманд-чилик ва саноат илгарилаб, саккиз-ўн минг ишчи ишлай-диган фабрикалар таъсис этилди. Ўк ва калкон унутилиб, бир вёрстдан одам ўлдирадиган милтик, тўрт-беш вёрстдан тош-метин кўргонларни парча-парча киладиган тўплар майдонга чиқди. Лекин бу инкилоб, бу янги ланиш биргина овруполик кавмларга хос бўлиб колди. Шаркия ва исломия мамлакатлари эски холда колавердилар. Фикр эски, курол эски, идора усули эски, саноат ва савдо усули эски, аскар низоми эски, кўргон-калъалар эски. Денгизда кемалар эски. Хуллас, нимаики бор, хаммаси эски. Бари кўхна... Буни пайкаган Оврупо кавмлари ва хусусан, рус кавми дунёга кўл узатиб бамисли селдек, денгиз долгаларидек ислом мамлакатларини босмокка, чегараларни емирмокка киришди. Саноат ва матохлари билан бизни синдирди. Баракат кетди. Низомли аскар билан бизнинг тартибсиз аскарларимизни парчалаб ташлади. Кувват кетди...»

Хутба бу нукгага келганида Шох Темур кўлини кўтарди, хатиб тўхтади. Абдулазизхонга кайрилиб:

— Салотини Рум бу холларга карши кандай тадорикларда бўлди? — деди.

Сукут.

— Овруполиларни илм, мол-мулк ва сиёсий жихатдан кучли ва икгидорли килган нарсаларга сиз хам мурожаат этдингизми?

Сукут.

— Вақтида салотини Усмония химоясини орзу этган Оврупо ҳукмдорлари тараккиёт ва иктидор йўлида курашган пайтларида Истанбул нима билан машгул бўлди?

Сукут.

— Сенинг салтанатинг замонида ахвол кандай эди? Ва сен нима ишлар килдинг?

— Мунтазам аскар ва флот етиштирдим.

— Булар билан нима ишлар килинди?

Сукут.

— Кўлдан кетган ерлар борми?

— Белград калъаси... Сербия, Румония... Жабали Лубнон(Тоғли Ливан.)да имтиёзли идора курилди.

— Рум эли заифланган бўлса, Анатўлида кандай тадбирлар килинди?

Сукут.

- Бутун умрингни Истанбулда ўтказдингми?

- Ха.

Шох Темур Хатибга бокди. Хатиб хутбани давом этгирди:

«Асрнинг салотини инкилоб замонига карши жузъий бир ҳаракатлар килган бўлсада, ишларнинг юздан бири хам амалга ошмади. Масалан, Эрон шохи Насриддин... Тамом кирк сана камоли рохат ила салтанат сурди. Усмонли каби рохатсизликлар кўрмади. Лекин кирк санада на айтарлик аскар, на тараккиётга хизмат киладиган низом етиштирди. Явми вафот(Ўлимига якин, вафот куни.)инда Эрон инглиз ва рус исканжасида гоят ожиз, ахолиси эса нодон ва саргардон колди...»

Шох Темур Насриддиншоҳга каради. Бир сўз демади. Яна Хатибга кўз ташлади. Хатиб

давом этди.

«Бу асрда рус хукмдорлари бир тарафдан Истанбулга кўз олайтирган бўлсалар, иккинчи тарафдан Туркистон ва Мовароуннахр томон жиддий ҳаракат бошладилар. Туркистон хонлари ва умароси шу даражада гофил ва беҳабар эди-ларки, рус тўплари бошлари устида портлагандан сўнггина «Бу нима?» — дедилар. Лекин гишт колипдан кўчган эди. Рус кўшини боскичма-боскич саҳроларни босиб ўтиб, калъаларни қўлга кирита бошлаган пайтда хонлари бир-бирлари билан жанжаллашиб ётар, дарё-дарё мусулмон кони оқаётган эди. Кора кушлар келиб Тошканд, Самарканд минораларига кўнганида, уларни учуриб юбормокка ярайдиган на бирор тўп, на бирор милтик топилмади. Хозирда бир начальник тўра кичкина бир чимчилоги билан бутун Туркистонни урчукдек айлантира олади. Русларнинг муҳосими бўлган англизлар хонларга ёрдам ва курул ва муаллими аскарӣй бермак истадилар, қабул этадиган бир киши топилмади. Хатто Насруллоҳон Бухорӣй икки англиз элчиси'ни катл этиб, замонанинг энг кучли, энг бой давлатининг хафсаласини пир қилди...»

Шох Темур амир Насруллога бокци. Амир Насруллоҳон шох Темурнинг ўткир нигоҳидан қочишга жой топа олмай... «таксир... Бухоройи шарифа фарангидин - насоридин киши қабули маъкул қўрилмади», — деди.

— Ё ўгул, келганлар англиз элчилари эди... Элчига ўлим бўлмас мақолини билмасми эдинг?

— Таксир... Кўп хатолиглар қилганим маълум бўлди. Аммо вафотимдан сўнгга маълум ўлди... Умародан, сипоҳидан ва уламодан кўзимни очган бўлмади...

— На демак. Атроф-ақнофга «йўқламачи», «кўрувчи» юборилмасмиди? Бошқа ўлкаларда, бошқа давлатларда на ҳол, на ҳаракат бўлаётганидан ҳабар олинмасмиди?

— Йўқ, таксир... Баъзан Хижозга бориб келувчи ҳожилар бўларди...

Шох Темур Шайх Жамолӣддинга савол назари билан бокди. Ҳазрат Шайх жавобан деди:

«Ўн учинчи аср хижрийнинг салотини ҳузуротинда умумӣй бир мараз бор эди. Жумласи ахволи дунёдан беҳабар ўларок ҳабар ва маълумотни биргина мадохин ва мадҳиячилардан олурлар эди. Улар эса ўз фойдаларини кўзлаб, «Сенинг қаби подшоҳ йўқ!», «Сенинг қаби шавкатли йўқ!», «Сендан кучли ҳукмдор йўқ!», «Бутун дунё барбод, факат сенинг ўлканг дилшод!» қаби мадҳиялар ила ҳукмдорларнинг орқасини кашлайлар эди. Ва булар ҳам ҳушланиб, ҳовуч-ҳовуч эҳсонлар берар эдилар... Аммо одил ва ҳақшунос бирор сайёҳ мамолики ажнабиянинг аҳвол ва маорифини, қудрат ва ҳаракатини ҳабар берса, «Сан кофир юртини мадҳ этасан» деб қулар, юз кўрсатмас эдилар. Ҳўқанд бойлариндан бирининг Макарияи Мўскивани кўриб, русларнинг усули асқариясини ва интизомини сўзлагани учун боши кесилгани маълумдир...»

Шох Темур боши билан бир ишорат қилган эди, ҳазрат Шайх хутбасини давом эттирди.

«Асрнинг ҳукмдорлари орасида жон чеккан ва ҳиммат кўрсатган султон Маҳмуд Мужаддид ва халқ орасидан етишган Шайх Шомил Доғистонӣй билан оталик Ғози Яъқубхон бўлдилар... Мутараккӣй фаранг давлатларининг усули асқариясини ва идораи мулк учун маъкул низомларини тақлид этган Султон Маҳмуд бўлди. Бу подшоҳ балки яна ҳам кўпроқ ишлар қилиши мумкин эди, лекин замонасининг мутаассиблари «Бизга фаранг низоми керак эмас», «эски қиличимиз бор, тўп керак эмас!» қабилида фикр юритиб, подшоҳ ҳаракатларига қаршилиқ кўрсатдилар. Бунинг эвазига Рус давлати ва иттифокдош уч фаранг давлати Султон Маҳмудга ҳужум этдилар. Мана шундай оташлар, балолар ичида бўлишига қарамай, урушларда ҳам, мамлакат ва унинг қонунларини янгилашда ҳам қуч-қувват топа олди...»

Шох Темур оёкка калкди, яна ўтирди. Жумла султонлар Султон Махмуд хурматига ўринларидан турдиларда, ўтирдилар.

Шайх Жамолiddин хутбасини давом эттирди.

«Замонасининг ягонаси Шайх Шомил эди. Бу одам гайрати шахсияси ва усули муколамаси ила ўн турли инсон ила мутакаллим ўлан Догистон кабилаларини яквуруд холина кетуруб, Рус давлатина карши эллик сана тўхтовсиз мухораба ва мудофаада бўлди. Яъкуббек оталик Гозий эса, беш-ўн отлик билан Фаргонадан Кошгарга бориб, Шаркий Туркистонни озод килмиш».

Шайх Жамолiddин хазратлари хутбасин давом эдарақ ўкуди.

«Буюклари ва кичикларинда бир хейли такосул ва афкорсизлик ва бохусус гафлати сиёсия кўрингани тарих саҳифаларида дарж этилгандир. Агар замони ҳозирадан кечмишга бир кўз ташланса, бир неча хатолар кўринадир.

Мўсква кинази Иван Грўзний Козон хонлигига хужум этиб, мухосара килган бир пайтда Крим хони унга имдод бермасдан, аксинча Курск ва Тула тарафга бир гуруҳ кўшинини юборса, Грўзний ҳам Козонга, ҳам Кримга карши уруша олмас эди. Холбуки, Иван Грўзний бу ҳолни билгани учун Козонга кўшин тортишдан илгарирок уларнинг ораларини бузиб, бир-бирларига ўлим тилайдиган даражага етказиб кўйган эди.

Хонларнинг гафлати сиёсияларининг натижаси ўларок Козон истило этилиб, ер билан яксон килинди. Жомеъ ва мадрасалари ёндирилди. Мирзолар, беклар киличдан ўтказилди. Тирик колганлари мол-мулкини тарк айлаб, болта кирмас ўрмонларга кочиб жон саклади. Икки аср сўнг Крим хонлиги ҳам забт этилиб, жазойи тарихиясини кўрди. Буларнинг гафлатлари афу ўлинур шай (наrsa)лардан бўлмагани холда Истанбулнинг уйкусига изох бериш учун на ме-зон топиб бўлади, на акл! Иван Грўзний Козон хонлигини босиб топтаётганида Истанбулда шу қадар буюк кудрат ва сиёсий нуфуз бор эдики, оддий бармогининг бир ишораси билан Грўзнийнинг танобини тортиб кўя олар эди! Турк давлатининг энг чет ва энг муҳим калъаси Козоннинг қўлдан кетишида ёрдам берилмаганлиги Рус кўшинларининг Истанбулдан Самаркандгача бўлган йўлларини очик колдирди. Козон Туркистон ва Рус диёрининг қоровул калъаси эди. Афсуски, кадри ва киммати билинмади.

Буюк султонларнинг ва шохларнинг ...»

Хутба шу ерга келганида шох Темур хазратлари қўл ишорати билан хатибни тўхтатиб, бошини кўйи солганча, хейли вақт тафаккурда колди. Мажлис қабр тинчлиги каби тинч холда эди.

Бир оз вақт шундай кечди. Сўнг шох Темур бошини кўтариб, деди:

«Эй умаройи киром, фузалоий беном...

Тарих ва мулк назарида менинг ҳам балки кўп қабохатим, қусурларим бордир. Лекин менинг замоним ва сиёсатим билинмаюб, англашилмаюб колмишдир. Ҳакимдаги турли бўҳтонлар килган ишларимни барчасига тегиб ўтади: кўп одамларни кирди, кўп тахтларни ёқди, Русияни, Эронни, Туркияни, Хиндни босди, чопди... зулм килди... дерлар. Йўк, улар англамадилар. Харакатларимни Ҳақ билур. Жахонни забт этишим конхўрликдан, юрт ёқувчиликдан, шухратпарастликдан эмас эди... Бундан муқаддам неча асрлар баҳодир миллатим, ўлим ва киргин ила битмас туркларим, ўзбекларим ноахил идора туфайли эзилмақда, диёрма-диёр, вилоятма-вилоят парчаланиб, тартибли кўшин битган эди... Эдил кипчоклари Озарбойжонни, улар эса Усмонлини, Кошгарийлар ўзбекларни, ўзбеклар хуросонийларни, яъни ога кардошини, кардош огасини танимас холда эдилар. Ёшли-гимда Кеш тўкайларинда бир кенагас беги бўлиб юрган

замонларимда миллатимнинг бу холи кўнглимни догли, кўзимни ёшли этарди... Шунда бутун куч-кудратимни туркий элни бирлаштирмоққа, буюк Туркистонни ташкил этмоққа бағишладим! Бир даража бунга ноил ҳам бўлдим... Садди Чиндан Мармара денгизи, музли Дашти Кипчокдан иссик Хинд денгизина қадар кўлима қирмиш. Туркистон пек (гоят) буюк эди. Бир четиндан бир чети юз қунлик йўл эди. Мухолиф мулук ва хокон гоят кўп эди... Бу ҳолда васеъ бу давлати лозиминча бирлашмамиз миллати зобита ва идора этмак учун тадобири шадида мутлак лозим эди... Замонида на тилгироф вор эди, на темирйўл. Осийларга жазо берганим зулм эмас эди, макон ва замон икгизойи тадобирлар эди. Аммо на фойдага...

Сўз бу махала келдикда хожаси Саййид Барака хазратлари:

— Етар, ўғлум, — деди.

Шох Темур аёга калкуб, бир «Вох!» чекди. Бутун мажлис довдираб оёқланди ва мен ҳам кўркувдан тез ташқарига отилдим...

Тинчлик, сукунат. Окшомдан анча ўтган. Самарканднинг кўм-кўк осмонида мингларча юлдузлар порлар эдилар. Мехмонхонага қайтдим, ухлай олмадим. Эрталаб яна макбара зиёратига бордим. Тошлар теграсида тинчлик, сукунат давом этарди.

«Таржимон» г., 1906 йил, 22 декабрь; 1907 йил, 22 январь

Исмоилбек Гаспринскийнинг

"Хаёт ва мамот масаласи" китобидан